Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 42 (6932). ● 2 март 1979 йил ◆ Ж У М А ● Баҳоси 2 тийин.

ОЛДИНДА — ЯНГИ МАРРАЛАР



ТОШКЕНТ, 1 март. Тошкент область ва Тошкент шаҳрига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини топшириш пайти. А. Абалян ва А. Мальцев фотоси.

Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили Тошкент области ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари шонли ишларининг йилномасига ёрқин саҳифа бўлиб кирди. Планга қўшимча равишда 100 миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти реализация қилинди, кейинги уч йил мобайнида давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқариш икки баравар кўпайди. Ишлаб чиқаришнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлида кўп иш қилинди: «Ёнимизда биронта ҳам қолоқ бўлмайди!» ватанпарварлик ҳаракати, москваликларнинг беш йиллик топшириғини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача бажариш ҳақидаги ташаббуси меҳнат коллективларида кенг қулоч ёйди. Қурувчилар йирик саноат объектлари — Бекободдаги электр энергияси билан пўлат эритиш комплексини, Олмалиқдаги химия заводининг учинчи навбатини ва бошқа корхоналарни муддатидан илгари фойдаланиш учун топширдилар. Уй-жой қурилиши ҳажми кўпайди, социал ва маданий-маиший объектлар барпо этилди.

Қишлоқ меҳнатчилари катгагина муваффақиятларга эришдилар. Тошкентликлар деҳқонлар учун оғир келган ўтган йилда давлатга 430 минг тонна пахта топширдилар. Область колхоз ва совхозларининг далалари илғор тажрибанинг, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялашнинг ўзига хос лабораториясига айланди.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юқори натижаларга эришганлиги учун, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширганлиги, 1978 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш планини муваффақиятли бажарганлиги учун Тошкент области ва Тошкент шаҳри КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларига сазовор бўлган эди. Область ва шаҳар партия, совет, касаба союз ва комсомол активининг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш илғорлари иштирокида 1 март куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши ана шу юксак мукофотни топширишга бағишланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида байроқларни топширди. Йиғилиш аҳли Ш. Р. Рашидовни самимий кутиб олди.

— Биз катта воқеани нишонламоқ учун бугун бу ерга тўпланганмиз, — деди у. — Яқинда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларини кўриб чиқдилар. Тошкент области ва Тошкент шаҳри ҳам голиблар деб топилган эди. Бўка ва Тошкент районлари, ўн еттита илғор меҳнат коллективи ҳам юксак мукофотга сазовор бўлди.

1978 йил самарали ва қизғин меҳнат йили, катта сиёсий воқеаларга бой йил сифатида совет кишиларининг хотирасида сақланиб қолади. Шуниси қувончлики, пойтахт область ва Тошкент шаҳри меҳнаткашлари бу йилни хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янгидан янги ютуқларга эришиш билан нишонладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан сизларни, сизлар орқали эса барча меҳнаткашларни муносиб мукофот билан қизғин табриклашга ва партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини амалга ошириш учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ш. Р. Рашидов бутун куч ва маблағларни беш йилликнинг тўртинчи йили ва умуман беш йиллик планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун сафарбар этиш вазифаларига тўхталиб ўтди. Олдимизда катта ишлар турибди. Ҳамма жойда бир маромда ва белгиланган суръат билан ишлашни таъминлаш, бутун куч ва имкониятларимизни бир бутун қилиб жамлаш лозим. Шубҳа йўққи, область ва шаҳарнинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари, барча меҳнаткашлари ватаннинг юксак мукофотига жавобан социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарадилар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров, тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Д. Б. Қулматова, Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Ким ва бошқалар сўзга чиқиб, тошкентликларнинг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик билдириб, область ва республика пойтахтининг меҳнатчилари халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида эришаётган муваффақиятларини кўпайтирадилар, деб ваъда бердилар.

«Алмаликсвинец с т р о й» трести сувоқчилар бригадири М. П. Митина сўзга чиқиб бундай деди:

— Биз эришган муваффақиятлар —ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, олимлар, барча меҳнаткашларнинг партия билан ҳукумат халқ бахт-саодати ва фаровонлиги тўғрисида қилаётган жуда катта ғамхўрлигига жавобидир. Партиянинг кам чиқим қилиб, мамлакатга кўпроқ, юқори сифатли маҳсулот бериш ҳақидаги даъвати мусобақадошларнинг жанговар шиори бўлиб қолди. Меҳнат коллективлари москваликларнинг 21 апрелда Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини кенг қўллаб-қувватладилар. Тошкентликлар шу кунни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлашга аҳд қилдилар. Кўпгина бошқа коллективлар сингари бизнинг бригадамиз ҳам шанбаликда тежалган материаллар ҳисобига ишлайди.

Нотиқлар асосий эътиборни ишлаб чиқариш самарадорлиги ва бутун иш сифатини янада оширишга қаратиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширш ва ўзлаштириш, техникадан яхшироқ фойдаланиш, фан ва илғор тажриба ютуқларини кенг жорий этиш ана шунга эришиш йўлидир.

Чорвачилик Тошкент областида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг муҳим ва ҳал қилувчи участкаларидан бири бўлиб қолиши лозим. Областни бундан буён ҳам ихтисослаштириш ва концентрациялаш, агросаноат интеграцияси негизида уни ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш — гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Сабзавотқорлар, полизчилар ва боғдорлар олға қараб катта қадам қўйишлари керак. Улар саноат марказларининг, Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашларини ўз маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашлари лозим.

Тошкентдаги корхоналар, илмий-тадқиқот ташкилотлари фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, республика, бутун мамлакат саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга янада салмоқлироқ ҳисса қўшишлари керак.

Йиғилиш қатнашчилари область ва шаҳар меҳнаткашлари номидан гапириб тошкентликлар қўшимча равишда машиналар, ускуналар, металл, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш билан ватанни қувонтиришга астойдил интилаётганликларини айтдилар. Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари ҳар гектар ердан, ҳар бир центнер ем-хашак ва ўғитдан, ҳар бир машинадан, капитал маблағларнинг ҳар бир сўмидан оқилона фойдаланишни, пахта, ғалла, сабзавот, каноп ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини тинмай оширишни, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни ўзларининг фахрли бурчлари деб биладилар.

Сўзга чиққан нотиқлар областдаги барча меҳнаткашларининг фикри-зикри ва ҳис-туйғуларини ифодалаб, Коммунистик партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, тинчлик ва халқ бахт-саодати учун атоқли курашчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини қизғин маъқулладилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга яқдиллик билан табрикнома қабул қилинди. Бу табрикномада область ва пойтахт ишчилари, колхозчилари, зиёлилари ватаннинг юксак мукофотига жавобан ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг барча резервларини ишга соладилар, беш йилликнинг тўртинчи йили ва умуман беш йиллик планларини, олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарадилар, деб қатъий ишонч изҳор этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Грекэв. И. Р. Қурбонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Ҳудойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

Сайловчиларнинг А. Н. КОСИГИН билан учрашуви

1 март куни Москвада, СССР Иттифоқи Большой театрида Москва шаҳар сайлов округи меҳнаткашлари вакилларининг СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Алексей Николаевич Косигин билан учрашуви бўлиб ўтди.

В. В. Гришин, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, партия ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, донгдор ишлаб чиқариш ходимлари, фан ва маданият арбоблари сайлов олди йиғилишининг президиумидан жой олдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — «Трехгорная мануфактура» комбинатининг йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Погибелева А. Н. Косигиннинг ҳаёт йўли, давлат, партия ва жамоат фаолияти тўғрисида гапириб берди. У сайловчиларни сайлов куни 4 мартда коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг номзодлари учун яқдиллик билан овоз беришга чақирди.

Учрашувда сўзга чиққан кишилар москваликлар партиянинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин қувватлаб, яқдиллик билан маъқуллаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Партиянинг ички ва ташқи сиёсати муваффақиятли суратда амалга ошираётганлиги туфайли совет кишиларининг фаровонлиги анча юксалди, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда янгидан янги катта муваффақиятларга эришилди, тинчлик программаси муваффақиятли рўёбга чиқарилмоқда.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган А. Н. Косигин нутқ сўзлади. А. Н. Косигин ўзини СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган коллективларга миннатдорчилик изҳор қилиб бундай деди: сайловчиларнинг ишончи мен учун айниқса азиздир, чунки бу ишончни мен даставвал Коммунистик партиямизнинг ишини халқ эътироф этганлигининг ифодаси деб биламан.

Бутун дунёда ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган қудратли социалистик давлатни барпо этган халқимиз эришган нарсаларнинг ҳаммаси партия фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам совет кишилари партияга астойдил ишонадилар, партия ички ва ташқи сиёсатини, унинг Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг фаолиятини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар.

Партия билан халқ Леонид Ильичнинг партия ва давлатдаги олий лавозимларда бажараётган тинимсиз ва фидокорона меҳнатини, унинг большевикча принципиаллиги ва ғоят одамийлигини, Улуғ Ватан уруши фронтларидаги ҳамда тинч қурилиш давридаги партиявий-сиёсий, раҳбарлик фаолиятининг жуда катта тажрибасини, тараққиётимизнинг ҳамда халқаро вазиятнинг энг муҳим проблемаларини чуқур тушунишини юксак даражада қадрлайдилар. СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш чоғида Леонид Ильичнинг номи биринчи бўлиб тилга олинганлиги ҳам унинг буюк хизматлари эътироф этилганлигининг ифодаси бўлди.

Совет кишилари, деб давом қилди нотиқ, сайлов вақтида давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқарадилар. Меҳнат ва дам олиш ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ва билим олиш ҳуқуқи, кексайганда моддий жиҳатдан таъминланиш ва уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқи каби ана шу ҳуқуқ ҳам, бизнинг бошқа ҳамма ҳуқуқларимиз ҳам фақат социализм шароитидагина воқеликка айланди. Бу ҳуқуқлар мамлакатнинг асосий қонуни — Конституциямиз билан гарантияланган, давлатнинг моддий ресурслари билан таъминланган, ҳаётимизнинг бутун тузуми билан мустаҳкамланган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисида жуда кўп гапириладиган буржуа жамиятида амалда бу ҳуқуқларнинг кўпчилиги меҳнаткашлар учун бир оз бўлса-да арзийдиган реал аҳамиятга эга эмас. Масалан, капиталистик мамлакатларда ўтказиладиган сайловларда сайловчиларнинг ярмигача, ҳатто учдан икки қисми овоз беришдан воз кечаётганлиги факти ана шундан далолат беради. Бундай фактлар сайловчиларнинг сиёсий лоқайдлигини, гражданларнинг сайлов ҳуқуқини амалга ошириши йирик капитал ҳукмронлигини чеклашига ва турмушни яхши томонга ўзгартириши мумкинлигига уларда ишонч йўқлигини кўрсатади. Масалан, ишсиз киши унинг сайловда иштирок этиши, иш топиши, гарантияланган иш ҳақи олиши, ортиқча киши бўлиб қолмаслиги имкониятларини асло оширмаслигини яхши билади. Социал ва миллий камситиш ҳамда жабр-зулмга дучор бўлаётган, капиталистик тузум шароитида ўз имкониятларининг қаттиқ чегараларини муттасил ҳис этаётган кишиларнинг ҳаммаси бу жамиятдаги ҳуқуқларнинг ғоят кўп қисми буржуа демократиясини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмаслигини биладилар. Шу демократия ҳимоя қилаётган буржуа тузумининг барча шафқатсиз иллатлари кишилар бошига ғам-ташвиш, маҳрумликлар ва кулфатлар солаётганлигини ҳеч ким айтиб беришга қодир эмас.

Сўнгра А. Н. Косигин совет халқи СССР Олий Советига ҳар икки сайлов ўртасидаги давр ичида қўлга киритган улуғвор якунларни таърифлаб берди. Буюкдорлик фаолиятининг якунлари хўжалик ва маданий қурилишимизнинг актуал вазифалари партия Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаатида ёрқин акс эттирилган, деди у. Партиянинг ана шу муҳим ҳужжатида сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизнинг барча асосий томонлари чуқур анализ қилинган, КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитети шундан кейинги пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошириш борасида партия билан халқ фаолиятининг йўналишлари кўрсатиб берилган.

Кейинги беш йил ичидагина халқ хўжалигида 400 миллиард сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари ишга туширилди. Бундан атиги 11 йил муқаддам — 1968 йил бошида эса биз эга бўлган барча асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми шунча эди.

Ўтган йилларда жорий истеъмол учун ҳамда уй-жой, мактаб, касалхоналар ва бошқа ноишлаб чиқариш объектлари қурилиши учун аввалги беш йилликка нисбатан қарийб 340 миллиард сўм кўп сарфланди. Шу туфайли социал тадбирларнинг кенг программасини амалга ошириш, жамиятимиз барча табақаларининг фаровонлигини кўтариш мумкин бўлди.

Иқтисодий ва социал ютуқларимиз — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлилари фидокорона меҳнатининг натижасидир. Бу муваффақиятларга мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар, ҳамма иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳозирги бош вазифа — мамлакатда вужудга келтирилган қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалдан ғоят тўла-тўкис фойдаланишдан, ишда бунга ҳалақит бераётган камчиликларни тугатишдан иборат. Партия Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми экономикани бошқаришнинг бутун системасини янада такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлади. «Вазифа — планлаштириш ва хўжалик юритиш даражасини кўтаришдан, уни ҳозирги босқич ривожланган социализм босқичи талабларига мувофиқ ҳолга келтиришдан иборат», — деди Леонид Ильич Брежнев. Бу — барча хўжалик, совет ва партия органларининг энг муҳим вазифасидир.

Апрель ойида биринчи беш йиллик план XVI партия конференциясида қабул этилган кунининг 50 йиллиги нишонланади. Ҳар бир беш йиллигимиз — совет экономикасини ривожлантиришдаги янги босқичдир. Бу йил ўн биринчи беш йиллик планни ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1990 йилгача мўлжалланган асосий йўналишларини тузиш соҳасида катта иш қилиниши лозим.

Сўнгра А. Н. Косигин оғир саноатни, ёқилғи-энергетика комплексини, металлургия, химия, машинасозлик, транспортни бошқа тармоқларни ривожлантириш вазифаларига батафсил тўхталди.

Мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта равишда таъминлашга эришиш — партия томонидан қўйилган энг муҳим вазифадир, деди А. Н. Косигин. Партия Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми мўл ҳосил олишга мустаҳкам замин яратиш учун қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини яратиш юзасидан катта-катта тадбирларни белгилади. Келгуси беш йилликда энг муҳим қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришни комплекс механизациялаш ниҳоясига етказилади ва чорвачиликни индустриал негизга кўчириш жадаллаштирилади. Қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришдаги меҳнатнинг электр билан таъминланиши ўн биринчи беш йилликда 1,6—1,8 баравар ортади.

(Давоми 2-бетда).

БУНЁДКОРЛИК РЕЖАЛАРИ

Сайловчиларнинг М. А. СУСЛОВ билан учрашуви

28 февраль куни Ленинградда Киров сайлов округи сайловчиларининг шу округдан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Михаил Андреевич Суслов билан учрашуви бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, партия ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, донгдор ишчилар, фан ва маданият намояндалари йиғилиш президиумига чиқдилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — «Кировский завод» ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесарларининг бригадири, СССР Давлат мукофотининг лауреати И. В. Захаров М. А. Сусловнинг ҳаёт йўли тўғрисида гапириб берди ва округ сайловчиларини коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун яқдиллик билан овоз беришга чақирди.

Учрашувда сўзга чиққанлар Ленинград шаҳри ва областининг меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан қизғин маъқуллаётганликларини таъкидладилар. Барча совет кишилари сингари ленинградликлар ҳам КПСС Марказий Комитетининг СССРнинг барча сайловчиларига, гражданларига қилган Мурожаатига жавобан план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари самимий кутиб олган М. А. Суслов нутқ сўзлади. У СССР Олий Совети депутатлигига унинг номзодини кўрсатганликлари учун Киров округи сайловчиларига самимий миннатдорчилик билдирди.

Ҳозирги сайловнинг хусусияти шундаки, деб таъкидлади М. А. Суслов, у СССРнинг янги Конституцияси — ривожланган социализм жамияти конституцияси кучга кирган шароитда илк бор ўтказилаётган сайловдир. Сайловга тайёргарлик даврида ва сайлов чоғида партия кўтарган социалистик мажбуриятларини сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати айниқса кенг намоён бўлмоқда, совет давлати ва жамоат тузумининг демократик принциплари ҳар томонлама намоён бўлмоқда.

Сўнгра М. А. Суслов СССР Олий Советига бундан олдин 1974 йилнинг ёзида ўтказилган сайловда партия кўтарган сайлов программасининг бажарилиш якунларига тўхталди. Мамлакат ўз экономикасини янги бир юксакликка кўтарди, тўққизинчи беш йиллик ва ўнинчи беш йилликнинг уч йилини муваффақиятли бажарди. Ишлаб чиқариш потенциали анча кучайди: 1968-йилнинг бошларида қанча ишлаб чиқариш асосий фондлари бўлса, 1978 йиллар ичида шунча асосий ишлаб чиқариш фондлари ишга солинди.

(Давоми 2-бетда).

«ИНТЕРКОСМОС-19» ПАРВОЗДА

Социалистик мамлакатларнинг космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик программасига мувофиқ 1979 йил 27 февралда Совет Иттифоқида еринг сунъий йўлдоши — «Интеркосмос-19» учирилди.

«Интеркосмос-19» йўлдошини учиришдан мақсад — ер ионосфераси структурасини, ионосфера плазмасидаги тўлқин жараёнларининг ҳусусиятларини ва радио тўлқинларининг тарқалишини комплекс тадқиқ этишдан иборат.

Йўлдош ичига ўрнатилган ҳамда Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикасининг мутахассислари яратган илмий аппаратлар ва телеметрия системаси илмий ахборот беришни таъминлайди.

Экспериментда қатнашувчи мамлакатларнинг мутахассислари космодромда илмий аппаратларни учишга тайёрлаш ишларини ўтказдилар ва унинг ишини бошқариб турибдилар.

Совет Иттифоқи командаўлчов комплексининг ердаги станциялари ҳамда экспериментда қатнашувчи мамлакатлар телеметрия системасини қабул пунктлари йўлдошдан олинаётган илмий маълумотларни мунтазам қабул этмоқдалар.

(ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ҲАР ЙИЛГИ «СОВЕТ ФАНИ КУНИ» БАЙРАМИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

«Совет фани куни» байрами белгилансин.

«Совет фани куни» ҳар йили апрель ойининг учинчи якшанбасида байрам қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1979 йил, 28 февраль.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

(Боши 1-бетда).

Партия қишлоқ хўжалигини экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш вазифасини ўртага қўйиб, халқ манфаатлари йўлида шу вазифани изчиллик билан ҳал этмоқда. Шу билан бирга бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши аввало одамларга, уларнинг маҳорати ва тажрибасига, ишга масъулият билан қарашига боғлиқ. Партия қишлоқдаги моддий ва маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилашни, бу шароитларни шаҳардаги турмуш шароитларига яқинлаштиришни, қишлоқ меҳнатчиларининг малакасини ва маданият савиясини оширишни ўз аграр сиёсатининг энг муҳим соҳаларидан бири деб билади.

Совет давлати халқ фаровонлигини ошириш учун йил сайин кўпроқ ресурс ажратмоқда. Саноатимиз кўпгина моллар, шу жумладан пойафзал, газлама ва кийим-кечак ишлаб чиқариш соҳасида миқдор жиҳатидан юксак кўрсаткичларга эришди. Биз бундан буён ҳам шу йўлдан бораверамиз, енгил саноатни жадал ривожлантириш соҳасида партия бошлаган йўлни қатъият билан ўтказаверамиз, истеъмол моллари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтираверамиз. Шу билан бирга ҳозир молларнинг сифатини оширишга ва турларини кўпайтиришга, уларнинг безагини ва ташқи кўринишини яхшилашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Совет халқи фаровонлигини оширишнинг бошқа масалалари ҳам партия билан давлатнинг доимо диққат марказида турибди.

Партия Марказий Комитети, совет ҳукумати, деди сўнгра А. Н. Косигин, халқаро вазият масалаларига, партия XXIV ва XXV съездларининг тинчлик программасига мувофиқ зарур амалий тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишга доимо катта эътибор бериб келмоқдалар.

Совет Иттифоқи — қудратли давлатдир, шу боисдан совет халқи мудофаа мизининг мустаҳкамлигидан қўнгли тўқ бўлаверсин. Қуролланиш пойгаси давом этаётганлиги, милитарист, агрессив кучларнинг бутун фаолияти бир мунча жонланиб қолганлиги сабабли биз Совет Иттифоқининг мудофаа потенциалини, Қуролли Кучларимизни сақлашимиз ва мустаҳкамлашимиз лозим.

Биз шунга асосланиб иш тутаяпмизки, кескинликни юмшатиш душманларининг ҳамма ҳаракатларига қарамай, улар 70-йилларда халқаро муносабатларда эришилган ижобий силжишларни йўққа чиқаришга муваффақ бўла олмадилар ва кескинликни юмшатиш тенденцияси халқаро ҳаётда ҳамон етакчи тенденция бўлиб турибди.

Шу билан бирга дунёдаги воқеалар ривожининг кўп жиҳатлари тинчликсевар кучларни жуда ташвишлантириб турибди. Хитой раҳбарлари тинчлик ва тараққиёт ишига қарши бениҳоя шармандали жиноят қилдилар. Вьетнам Социалистик Республикасига қилинган ҳужум — халқаро қароқчиликнинг андишасиз ва ваҳшиёна кўринишидир. Хитойнинг Вьетнамга қарши агрессияси Пекиндаги юқори тўда сиёсатининг гегемончилик моҳиятини бошқа ҳамма нарсадан кўра ҳам кўпроқ фош этди. Бу агрессия Пекинда-гиларнинг дўқ-пўписа сиёсатидан уруш ҳаракатлари бошлашга нақадар енгилтаклик билан ўтишлари мумкинлигини, у ердагилар тинчлик билан уруш ўртасидаги қалтис чизиқдан нақадар масъулиятсизлик билан ўтишлари мумкинлигини кўрсатди.

Бу — авантюризм сиёсатидир. Бу сиёсат Хитойга қўшни бўлмаган давлатларни ҳам чуқур ўйланиб қолишга мажбур этади. Зотан шу сиёсатга ҳар қандай йўл қўйиб бериш ҳалдан ташқари хатарлидир, чунки бу — жабр-зулм ва зўравонликка йўл қўйиб беришдир, Хитой раҳбарларининг халқларни урушга гирифтор қилиш йўлидаги уринишларига йўл қўйиб беришдир. Агрессияни оқлаб бўлмайди, уни ҳамма қоралаши лозим, унга қатиқ зарба берилиши керак. Вьетнам кулфатда қолдирилмайди, деб уқтирди А. Н. Косигин. Совет ҳукуматининг баёнотида айтилганидек, бизнинг мамлакатимиз СССР билан ВСР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаради.

Хитойнинг зўравонлик ва бошқа халқлар ички ишларига аралашиш сиёсати Кампучияда таназзулга учради. Кампучияда рўй берган ўзгаришлар муқаррардир. Халқ республикасининг ҳукумати барча мамлакатлар билан тинч-тотув яшаш, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик сиёсатини социалистик йўлидан борадиган тинч, мустақил, демократик ва бетараф Кампучияни қуриш сиёсатини ўтказишини маълум қилди. Шу сабабли Пекин раҳбарларининг Вьетнамга қарши ўз агрессияси Кампучиядаги аҳвол билан биронбир тарзда боғлаш йўлидаги уринишлари бошдан—оёқ ёлғондан иборат. Халқаро майдонда Пекинга ихтиёрий ва беихтиёр далда бериб, Хитойнинг агрессиясига ҳам, шунингдек Кампучиядаги воқеаларга ҳам «теппа тенг» ёндошиш деб аталган жуда галати назар билан қараётган кимсалар ҳам бундан ларув қилишлари лозим.

Мутлақо равшанки, Хитой раҳбарларининг агрессив йўлини тинч-тотув яшашга ва кескинликни юмшатишга қарши чиқаётган империалистик реакциянинг фаолиятини рағбатлантириб турибди. Ғарбда ва Узоқ Шарқда тинчлик ишига душман бўлган кучлар халқаро муносабатларда яна «совуқ уруш» муҳити ҳукм суradиган бўлишига, давлатлар қуролланиш пойгасини жиловлаш ва тўхтатиш учун шарт-шароит яратиш соҳасидаги ғайратҳаракатлардан воз кечишларига зўр бериб уринмоқдалар. Совет Иттифоқини, бутун социалистик ҳамдўстликнинг тинчликка хизмат қилаётган қудрати шу кучларга қарама қарши бўлиб турмаганида эди, улар аллақачон ўз мақсадларига эришган бўлур эдилар.

Совет Иттифоқи тинчлик ва тараққиёт, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги манфаатларини кўзлаб, барча тинчликсевар давлатлар билан, кескинликни юмшатиш ва тинч-тотув яшаш позицияларида турган ҳамма сиёсий кучлар билан ҳамкорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлайверади.

Бизнинг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлимиз социалистик мамлакатлар билан ўзаро муносабатларда ўзининг гоят тўла ифодасини топди.

Бу йил биз Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашининг 30 йиллик юбилейини нишонлаймиз. Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши мамлакатлари жаҳон саноат маҳсулотининг сал кам учдан бир қисмини ишлаб чиқармоқдалар. Кейинги ўттиз йил мобайнида улардаги миллий даромаднинг ўсиш суръатлари ривожланган капиталистик мамлакатлардаги ўсиш суръатларидан қарийб 3 баравар, саноат ишлаб чиқариши эса 4 баравар юқори бўлди.

Кейинги вақтларда Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши қабул этган қарорлар ва аввало бир қанча узоқ муддатли тармоқ программаларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш тўғрисидаги қарорлар Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгаши мамлакатларининг ҳамкорлигини интеграция изига мустаҳкам равишда солмоқда, бу ҳамкорликни энергетика проблемаларини ҳал этиш, техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, социалистик мамлакатларнинг экономикасини ва улардаги халқларнинг фаровонлигини умуман юксалтириш сингари ҳаётий муҳим мақсадларга эришишга қаратмоқда.

Партиямиз Марказий Комитети билан совет ҳукумати кескинликни юмшатиш йўлидаги курашнинг ҳамма ижобий натижаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида халқлар учун тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлида куч ғайратларни аямай сарфлашларини совет кишилари биладилар ва бунга ишончлари комил бўлаверсин.

А. Н. Косигин нутқининг охирида бундай деди: Коммунистик партиямиз СССР Олий Совети сайловида аниқ ва амалий программа билан майдонга чиқмоқда. Бу программа КПСС Марказий Комитетининг сайловчиларга Мурожаатида баён этилган. Партиямизнинг сўзи билан иши бир эканлигини ўн йиллар тажрибаси исбот этган. Партия ўз олдига нақадар мураккаб вазифаларни қўймасин, у мўлжалланган мақсадга эришиш учун ҳамиша ўзида ирода, маҳорат, жасорат топиб келган. Партиянинг ўз Марказий Комитети, Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюро теварагидаги метиндек жипслиги, партия билан халқнинг бирлиги, унинг ижодий марксизм-ленинизмга садоқати бугунги кунда ҳам бунинг ҳал қилувчи шарти бўлиб қолмоқда.

Партия ҳамиша бўлганидек, бу сайловда ҳам партиясизлар билан мустаҳкам иттифоқ бўлиб қатнашмоқда, Халқимиз партия сиёсати учун, совет ҳокимияти учун, улуғ мақсад — коммунизм сари муваффақиятли равишда олға силжиш учун овоз беришига шак-шубҳа йўқ.

(ТАСС).

ДАЛА ЭКУВЧИЛАРГА МУНТАЗИР

Ўзбекистонда маккажўхорининг ялпи дон ҳосили бундан олти йил муқаддам уч юз минг тоннадан сал ошар эди. Бултур эса ялпи ҳосил бир миллион 52 минг тоннага етди. Республика деҳқонлари бу натижаларни мустаҳкамлаш ва кўпайтиришга қарор бердилар.

Ўзбекистон хўжаликлари бир миллион тонна маккажўхори дони олишларини илгари ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмас эди. Республикадаги ҳосилдорлик гектар бошига ўрта ҳисобда 69 центнерга кўтарилди. Самарқанд областида эса гектар бошига 83 центнер, Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Тошкент областларида эса 70 центнердан зиёд ҳосил олинмоқда.

— Маккажўхори ҳосилдорлигини оширишга, — дейди республика қишлоқ хўжалиги министрлиги дон ва озуқа экинлари бошқармасининг бошлиғи А. Қосимов,— аввало минерал ўғит ёрдам берди. Ҳозир ҳар гектар ерга ўн центнер ўғит солямиз. Экин ишлари қисқа муддатда ўтказилмоқда. Апрель бошларида сиз далаларда маккажўхори экадиган бирорта сеялкани кўрмайсиз. Ҳар гектарда маккажўхорининг қалинлиги 65—70 минг тупга етказилади. Маккажўхори сув билан яхши таъминланган серҳосил ерларга экилмоқда. Ҳар бир областда энг яхши хўжаликлар негизида бригадирлар, механизаторлар, сувчилар учун илғор тажриба мактаблари ташкил этилган.

Абдурасул Бобоқулов Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов колхозида пахтачилик бригадасига ўн йил раҳбарлик қилди. Энди у маккажўхори етиштирмоқда. Бултур унинг бригадаси гектаридан 95 центнер дон ҳосили олди. Бу йил ҳосилдорликни 100 центнерга етказишни кўзламоқда.

— Бизнинг агротехника, дейди у, — асосан бошқа бригадаларникидан фарқ қилмайди. Аммо унга баъзи бир ўзгартишлар ҳам киритаяпмиз. Маккажўхоризорлар орасига у ер бу ерда бир неча қатор хашаки лавлаги экамиз. Бунда маккажўхорига яхши шамол тегади, ҳосилини йиғиштириб олиш вақтида бурилиш полосалари қилишга эҳтиёж бўлмайди.

...Муваффақиятлар равшан кўриниб турибди. Аммо фойдаланилмаётган резервлар ҳам бор. Юқорида айтиб ўтилганидек, Тошкент областидаги ҳосилдорлик 70 центнердан ошади. Сирдарё областида эса гектар бошига атиги 55 центнер маккажўхори дони олинмоқда. Бу тафовут неча йиллардан бери ўзгармай келмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, сирдарёликлар маккажўхорини камроқ суғоришади, баъзи ернинг шўрини ювишмайди ва ўғитни кечикиб солишади. Маккажўхорининг сийраклиги, сўталарнинг майдалиги ана шундан келиб чиқади. Ҳосилни йиғиштириб олиш вақтида хўжаликлар кўп миқдордаги донни нобуд қилмоқдалар. Одатда бу иш чўзилиб кетмоқда.

Бошқа масалалар ҳам келиб чиқмоқда. Шу пайтгача олимлар маккажўхори етиштириш зоналарини ҳисобга оладиган агротехникани ишлаб чиққанлари йўқ. Табиий иқлим шароитлари бир-биридан анча фарқ қиладиган Хоразм воҳаси ва Зарафшон водийсидаги деҳқонлар экиш муддатлари, ўғит миқдори, маккажўхори тупларининг энг мақбул қалинлиги ва шу сингарилар хусусидаги бир хил тавсиялардан баббаравар фойдаланмоқдалар. Маккажўхори етиштириш ва унинг ҳосилини йиғиштириб олишга бўладиган меҳнат ва моддий пул чиқимларини камайтириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар жуда зарур. Бундай тавсиялар шу экинининг рентабеллигини ошириш имконини берган бўлур эди.

Бу йил Ўзбекистон деҳқонлари янги рекордни кўзламоқдалар. Улар 1,3—1,4 миллион тонна қаҳрабо дон олишга қарор бердилар. Шунча миқдордаги ҳосил деярли булутургича майдондан олинади. Аввалгидек ҳосилдорликни оширишга асосий эътибор берилади. Н. Маматқодиров, Ш. Юсупова, Н. Исмоилов, Ў. Ерова ва бошқаларнинг бригадалари гектар бошига 100—120 центнер дон олишни ваъда қилмоқдалар. Уларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тасдиқлаган ташаббусини бошқа колжектив-лар қўллаб-қувватламоқда.

Об-ҳаво шароитлари ноқулай келиши сабабли туғилган қийинчиликларга қарамай, республиканинг кўпгина хўжаликларида маккажўхори учун ажратилган ерни кузда шудгор қилиб қўйишга улгурдилар. Далаларга минерал ва маҳаллий ўғитлар етарли миқдорда солинди. Шўр ювиш ишлари ўтказилди. Хўжаликлар ичидаги ариқ ва зовурларни тозалаш ишлари тугалланмоқда.

Уруғлик дон тахт қилиб қўйилган. Чигириқ галла қабул қилиш корхонасига кузда республиканинг уруғчилик хўжаликларидан 13 минг тонна сўта етказиб берилди. Улар тозаланиб, уруғлик сортларига ажратилиб, дориланиб ва сараланиб қўйилди.

Техникани тайёрлаш иши кўнгилдагидек эмас. Қорақалпоғистон АССРда маккажўхори экадиган механизаторларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи, Жиззах областида ўндан бир қисми ҳамон ремонтдан чиқарилгани йўқ. Ҳамма тракторлар ҳам шай қилиб қўйилган, деб бўлмайди. Тез орада экиш агрегатлари далага чиқарилиши лозим. Бас, шундай экин машиналари ҳозир тезроқ тайёрлаб қўйиш нақадар муҳимлиги тўғрисида гапиришга ҳожат бормикин.

Н. ГЛАДКОВ,
(«Правда» мухбири) Ўзбекистон ССР.
«Правда» газетасининг 1 март сонидан.

БУНЁДКОРЛИК РЕЖАЛАРИ

[Бошн 1-бетда].

Мамлакатнинг Шарқида аслида янги ёқилғи-энергетика базасининг яратилиши муҳим тимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар барқарор суратда тўхтовсиз ошиб борди.

М. А. Суслов қишлоқ хўжалигини ривожлантириш проблемасига тўхталиб, шуни қайд этдики, партиянинг аграр сиёсати амалга оширилиши натижасида кўпгина муваффақиятларга эришилди — ғалла ҳосилдорлиги ва ялпи дон ҳосили ошди.

Кўпгина ишлар қилинди. Лекин партия камчиликларни ҳам, ҳал этилмаган проблемаларни ҳам кўриб турибди. Чорва туёғи ва чорвачилик маҳсулотлари, ҳусусан гўшт етиштириш ҳали ҳам суст кўпаймоқда, кунгабоқар, зиғир етиштириш секинлик билан ўсмоқда. Кейинги беш йил ичида мамлакатимизда икки марта қурғоқчилик бўлганлиги бунга кўп даражада таъсир қилди. 1975 йил айниқса қийин бўлди.

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларида ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладида қишлоқ хўжалигимизни ҳар томонлама ривожлантиришнинг равшан истиқболлари ва тадбирлари белгиланди. Қишлоқ хўжалигини юксалтириш умумхалқ иши, ҳамманинг юмуши эканлиги алоҳида таъкидланди.

Партия ҳозир дон етиштиришни кўпайтириш билан бирга чорвачилик маҳсулотлари, айниқса гўшт етиштиришни сезиларли даражада ўстиришга эришишни қишлоқ хўжалигининг сира кечиктириб бўлмайдиган бош вазифаси деб ҳисоблайди. Ғарчи кейинги беш йил ичида ўртача йиллик гўшт етиштириш аввалги беш йилликдагига нисбатан бир миллион 735 минг тонна кўпайган бўлсада, лекин у ҳали ҳам талаб-эҳтиёжнинг ўсишидан орқада қолмоқда.

Даставвал шуни назарда тутиш керакки, аҳолининг истеъмол структураси анча ўзгарди. 60-йилларнинг бошида мамлакат гражданларининг кўпчилиги қишлоқда яшар эди. Ўшандан буён кўпгина аҳоли шаҳарларга кўчиб ўтди. 1978 йилга келиб шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисига қараганда 67 миллион киши кўп эди. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бутун аҳоли пул даромадларининг ўмумий ўсиши юқори калорияли озиқ-овқат маҳсулотларига, даставвал гўшт маҳсулотларига талабни анча оширибгина қолмай, балки ўзгартирди ҳам.

Партия билан ҳукумат чорвачиликни ривожлантириш ва чорвачилик маҳсулотларини сотишни кўпайтириш учун зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Йирик чорвачилик комплекслари қурилмоқда, чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш, омухта ем ва чорвачиликни механизациялаш воситаларини ишлаб чиқарувчи заводлар, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи ва асровчи корхоналар барпо этишга давлат маблағлари ажратилмоқда.

Сўнгра М. А. Суслов ҳозирги ҳалқаро аҳволни тарифлаб берди. КПСС XXIV ва XXV съездларининг ташқи сиёсий йўли, шу съездларнинг тинч-тотув яшаш принципи тобора қарор топмоқда. Партиямиз бундан буён ҳам тинчлик программасини батамом тўла ҳажмда амалга оширмоқ учун бутун кучини сарфлайверади.

Пировардида М. А. Суслов совет демократияси — бунёдкорлик демократиясидир, деб таъкидлади. Меҳнаткашларнинг ўзлари янги жамият — социализмни бунёд этмоқдалар ва тўла ҳуқуқли хўжайинлар сифатида ўзлари бу жамиятни бошқармоқдалар. Бутун совет системаси социалистик демократияни амалга оширишни таъминлайди. Социалистик демократия ҳақиқатдан ҳам умумхалқ характерини касб этди ва ҳозирги шароитларда демократиянинг энг олий формасидан иборатдир.

Коммунистик партия — социалистик демократиянинг бош тарғиботчиси, жамиятимиз бутун сиёсий системасининг ўзаги, унинг раҳбар ва раҳнамо кучидир. Коммунистик партия меҳнат аҳлининг фаровонлиги ва бахт-саодати йўлида ишламоқда. Партия ҳаётнинг ўзи унга белгилаб берилган совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи ролини оғишмай бажариб келмоқда. У меҳнаткашларнинг фаровонлиги учун, Совет социалистик давлатининг иқтисодий қудратини, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва уни ҳар томонлама гуллаб-яшнатиш учун изчиллик билан курашиб келди ва курашмоқда.

Барча гражданларнинг СССР Олий Советига халқ депутатларини сайлашда актив иштирок этиши ва коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз бериши халқ партияга батамом ишончишини, унинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис маъқуллаб, қўллаб-қувватлаётганлигини яна бир бор кўрсатади. Партия халқнинг ишончи билан фахрланади ва бу ишончи бундан буён ҳам ўзининг бутун фаолияти билан оқлаш учун ҳамма ишни бажо келтиради.

(ТАСС).

ЁТОҚХОНА ТАРБИЯ МАРКАЗИ БЎЛСИН

Совет турмуш тарзи ҳар бир гражданнинг юксак онглилиги ва социал активлигини талаб қилади. Коммунистик қурилишнинг муҳим вазифаларидан бири ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашдан иборатдир. Тарбиявий ишнинг масъулиятли участкаларидан бири ётоқхоналардир.

Ҳозир областимиздаги мавжуд ётоқхоналарда 95 минг ёш авлод яшамоқда. Ётоқхоналар кўплаб ёш ишчилар, қурувчилар, студентлар, турли касб эгаларининг иккинчи уйидир. Ёшлар ётоқхонада мазмунли ҳаёт кечирсалар, намунали хордиқ чиқарсалар кайфиятлар шунчалик яхши бўлади. Бу эса ўқишда, ишлаб чиқаришда ўз аксини топади. Шунинг учун ётоқхоналарда маданий-маиший, оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларни яхшилаб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳар, район комсомол комитетлари ётоқхоналарда маданий-маиший шароитни яхшилаш, ёшларнинг дарс тайёрлашлари ва дам олишлари учун шароит яратиб бериш масалаларига алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Кейинги икки йил ичида Бекобод, Ангрен шаҳар комсомол комитетлари ўз пленумларида Ҳамза, Фрунзе, Куйбишев район комсомол комитетлари бюро мажлисларида бир неча бор бу масалани муҳокама қилдилар.

Комсомол, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари ётоқхоналарда ғоявий-тарбиявий ишларнинг юксак даражада бўлишини таъминлашмоқдалар. Ётоқхоналар ёшларнинг ҳақиқий маънавий ва маданий озуқа олиш марказига айланмоқда. Бу ерда дўстлик, биродарлик ҳислатлари камол топаяпти.

Тошкент тўқимачилик комбинати ётоқхоналарида иш яхши йўлга қўйилган. Комсомол, касаба союз ташкилотлари ёшлар ўртасида ғоявий-тарбиявий ишлар савиясини ошириб боряпти. Мазкур корхонага қарашли ётоқхоналарда 4,5 мингдан зиёд йигит-қиз истиқомат қилади. «Энг яхши ётоқхона учун» конкурси ғоявий-тарбиявий ишларнинг асосига қурилган. Комбинатда шуни яхши билишадики, ишчининг ҳаёти, тарбияси фақатгина иш куни билан чегараланмайди. Унинг шахс сифатида шаклланиши, камол топишида ётоқхона алоҳида бир таркибий қисмни ташкил этади. 900 нафардан ортиқ ёшни ўз сафига жипслаштирган «Лира», «Замондош», «Ёш ишчи» каби тўгарак ва клублар тарбия мактабига айланган. Бу ерда социалистик мусобақа ғолиблари иштирокида «Олтин қўллар», «Уз касбининг устаси» каби конкурслар ўтказиб турилади. 15 ётоқхонадаги 620 қизнинг ҳар учтасидан бири коммунистик меҳнат зарбдори эканлиги бежиз эмасдир.

Ётоқхонада истиқомат қилувчи мингдан ортиқ йигит-қиз олий ўқув юртлари, техникумлар, ишчи-ёшлар мактабларида билимларини оширмоқдалар.

Энг яхши ётоқхоналар тажрибаси қимматли мулкдир. Комсомол комитетлари илғор тажрибани ўрганиб, пропаганда қилишлари маданий-оммавий ишларнинг янги форма ва методларини ҳаётга тадбиқ этишлари лозим. Ётоқхонада яшаган ҳар бир ёш коллективизм, ўзаро ёрдам ва коммунистик аҳлоқ мактабини ўтасин.

— Областимиздаги олий ўқув юртлари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари ҳузурида 160 та ётоқхона бор, — деди пленумда КПСС XXV съезди қарорлари асосида ишчи ва студентлар ётоқхоналарида тарбиявий ва турар жой маиший шароитни яхшилашдаги вазифалар тўғрисида доклад қилган область комсомол комитетининг биринчи секретари **Б .С. Камолов**, — ҳар кунги ўқув машғулотларидан сўнг 50 минг нафарга яқин йигит-қиз ўз ётоқхонасига қайтади. Ёшлар кўп нарсага қизиқишади. Ўқув лабораториясида ҳозирги замон фан ютуқларига асосланган ускуналар лозим бўлганидек, бу ерда ҳам янги авлоднинг шаклланишига, ҳаётий тажриба орттиришига, ҳар томонлама камол топиши учун шароит яратиш лозим.

Нотиқ Тошкент автомобиль йўллари институтининг 6-ётоқхонаси коллективининг иш тажрибасига тўхталиб ўтди. Бу ерда студентлар Совети комсомол комитети билан ҳамкорликда жойларни тақсим қилади. Тартиб-интизом оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларнинг талаб даражасида бўлишига эришмоқдалар. Студентлар Советининг қарори билан ёзда талабаларнинг ўзлари бинони ремонт қилишади, мебелларни тузатишади. Шу билан бир қаторда ўқув йили давомида ётоқхона мулкини кўз қорачиғидек сақлашга эътибор беришади.

Мазкур жойда ғоявий-тарбиявий ишларнинг аниқ системаси ишлаб чиқилган. Бўлажак мутахассисларнинг пишиқпухта, билимли бўлиб етишишлари учун курашадилар. Аълочилар қолоқларни оталиққа олишади. Ижтимоий фанлар бўйича конференциялар шароитини яратиш бўлажак мутахассислар дунёқарашининг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса ўзлаштиришда ҳам ўз ни тутишлари билан ҳам қизиқмоқдалар.

Кўпгина ётоқхоналарда иш яхши ташкил этилгани ҳолда айрим жойларда ёш авлодни тарбиялашга талаб даражасида ёндошилмаяпти. Йигит-қизларни жамоат ишларига жалб этиш ёмон аҳволда.

Ётоқхонада на тўгараклар, на клублар ташкил этилган. Талабаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун оддий шароитлар ҳам яратилмаган. Ҳар ўн хона учун битта шкаф ажратилган, холос. Бирорта ҳам маданий-маиший хона йўқ. Хўш, бу талабалар ўқишдан қайтганларидан кейин нима билан шуғулланишлари лозим? Ана шундай жойларда кўпинча бебошлик ҳоллари юз беради.

Олий ўқув юртлари, корхоналар ҳузуридаги айрим ётоқхоналарда ҳам ана шундай ҳолларни учратиш мумкин. Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасидаги 1-ётоқхонада 400 ишчи яшайди. Бу ерда бор-йўғи биттагина телевизор бор. Дам олиш хонасидаги мебелларга қўл тегизсанг, синиб тушадиган аҳволда. Буфет ва ошхона йўқ. «УзНИИПградостроительство» институти, «Узбекхиммаш», Тошкент шаҳридаги асбобсозлик заводлари ётоқхоналаридаги аҳволни ҳам бундан яхши деб бўлмайди. Ётоқхонада етарли шароит яратилмаган жойда ишлаб чиқариш унумдорлиги ҳам яхши бўлмайди.

Пленумда сўзга чиққан область касаба союзлари Советининг раиси **А. В. Брайлов** ётоқхоналарда маданий-маиший, ғоявий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни яхшилаб бориш ёшларни ҳар томонлама камол топтиришда муҳим омил эканлигини таъкидлади. Нотиқ бу соҳада касаба союз ташкилотларининг ётоқхоналарда олиб бораётган намунали ишлари ҳақида тўхталди.

Пленум қатнашчилари Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, ВЛКСМ XVIII съездининг делегати тўқувчи **Д. Қулматова**нинг сўзини зўр қизиқиш билан тингладилар.

— Мен 1970 йилда тўқимачилик комбинатининг ётоқхонасига келган эдим, — деб давом этди нотиқ, — Ушанда 16 ёшда эдим. Бир хонада тўрт қиз яшардик. Ётоқхонада анчадан бери яшайдиган қизлар, ётоқхона Совети, менга ўхшаш ёшлардан тез-тез хабар олиб туришди. Истакларимни билишди. Ҳар томонлама ёрдам беришди. Бу эса, мени рухлантирибгина қолмай, балки ишончини оқлашга ундади. Оradан бироз вақт ўтгач мени Фрунзе район Советига депутат қилиб сайлашди. Ўсдим, улғайдим. Энди халқ ишонч билдириб, СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. Менга ўхшаш жуда кўп ёш қизлар бу ерда ўз бахтларини топишди. Шубҳасиз, бунда ётоқхонада олиб борилаётган ишларнинг таъсири каттадир.

Музокарада сўзга чиққан Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари **Х. Шонеъматов**, Ангрен шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари **Д. Абдуллаева**, Ўзбекистон металлургия заводи касаба союз комитетининг раиси **Б. Миркомилов**, Тошкент политехника институти комсомол комитетининг секретари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати **А. Мунавварова**, Ўзбекистон қаттиқ қотишмали ва ўтга чидамли металлар комбинати комсомол комитетининг секретари **Н. Николаев** ва бошқалар ётоқхоналарни тарбия марказига айлантириш, соҳасидаги вазифаларга тўхталиб ўтишди.

Қўшма пленумда область партия комитетининг секретари **А. М. Хўжаев**, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг секретари **У. А. Сайдаматов** нутқ сўзладилар.

Қўшма пленум ишида область партия комитетининг иккинчи секретари **Б. А. Антонов** иштирок этди.

* * *

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Л. Ф. Кочергa партия ишига ўтганлиги муносабати билан область комсомол комитетининг секретари ва бюро аъзолигидан озод қилинди. Калинин район комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган М. К. Жалилова область комсомол комитетининг секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Б. ПУЛАТОВ.

ЁЗУВЧИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР «ҚЎРИҚ» ҲАҚИДА

ЎЗБЕКИСТОН Журналистлар союзининг очерк ва публицистика секцияси ташаббуси билан «Правда Востока» газета редакциясида ёзувчи ва журналистларнинг ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асарига бағишланган доира стол атрофидаги кенгаши бўлиб ўтди.

— «Қўриқ» фақат нон бармайди, одамларни тарбиялайди ҳам; дейди Леонид Ильич Брежнев ўз асарида. Биз ундан ўрганишимиз керак,—деди ёзувчи Сайд Аҳмад.— Айрим кишилар, қўриқ тугади, ўзлаштириб бўлинди, агар бизнинг давримизда бўлганида биз ҳам жасорат кўрсатар эдик, дейишади. Йўқ, қўриқ тугамади, давом этяпти ва яна бир улкан Қўриқ бошланяпти: Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга оқизиш! Биз ёшларни ана шу жасоратга ҳозирдан тайёрлашимиз лозим. Қозоғистон қўриғи билан Ўзбекистон қўриғи бир-бирига ўхшаш. Буни ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асаридаги воқеалар ва ўзбек ёзувчиларининг қўриқ ерларни ўзлаштиришга бағишланган асарларидаги воқеалар ўзаро бир-бирига яқинлигидан ҳам кўришимиз мумкин.

— Агар мен «Қўриқ» асарини илгарироқ ўқиганимда, «Мерос» қиссамнинг баъзи сюжет линияларини бошқачароқ ёзган бўлардим,— деди ёзувчи Пиримқул Қодиров.— «Қўриқ»даги жасур тракторчи Данил Нестеренконинг ҳаёти «Мерос»даги бош қаҳрамоннинг реал прототипи Тўлан Дадажонов ҳаётига жуда ўхшайди...

«Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири Н. Капекис 1954 йил мартда қўриқ ерларни ўзлаштиришга отланган минглаб комсомол-ёшлар орасида Қозоғистон чўлларига боргани ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Ёзувчи Иброҳим Раҳим ҳозирги даврдаги иккинчи қўриқ — РСФСР Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштириш истиқболлари ва муаммолари ҳақида атрофлича фикр юритди.

Доира стол атрофидаги суҳбатда ёзувчи Борис Пармузин, «Совет Ўзбекистони» газетаси қишлоқ хўжалиги бўлимининг мудири Маъруф Назаров, «Правда Востока» газетаси мухбирлари М. Пругер, Ш. Зайнуддинов ва бошқалар ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асаридан келиб чиқадиган хулосалар, қўриқ ерлар борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Секция раиси Н. Тимофеев доира стол атрофидаги ижодий суҳбатга якун ясаб, унда иштирок этган ёзувчи ва журналистларга миннатдорчилик билдирди.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИДАН



ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

БОШ БУХГАЛТЕР

ХАЛҚИМИЗДА «эр йигитга қирқ ҳунар оз» деган нақл бор. Ўсар ака Исманов эгаллаган ҳунарларнинг сони балки қирққа яқинлашиб қолар, лекин севиб танлаган касби — битта. У ҳам бўлса, ҳисобчилик. Ундан «нега бу касбни танлагансиз?» деб сўраганимизда, олдинига у ажаблангандай бўлди. Сўнг кулиб жавоб қилди:

— Менимча ҳисобдонлик ёмон касб эмас. Умуман олганда касбларнинг яхши-ёмони бўлмайди. Агар киши бирон касбни танласа, унга ихлос қўйса, ёлчитиб ишласа — ундан халққа ҳар қанча бўлсин наф тегаверади. Мен ҳам ўз касбимни севаман. Ахир ҳисобдон ҳамма ерда жуда керак ва зарур.

Ўсар ака жуда тўғри айтди. Ҳисобдон колхоздек катта бир хўжаликда, айниқса, етакчи фигура ҳисобланади. Зеро, колхоз тараққиётини беҳисоб рақамларда таҳлил қилувчилар, унинг истиқболини белгиловчилар айнан шу оддий касб кишилари — бухгалтерлининг заҳматкаш ходимларидир. Мисол учун бухгалтерия ҳисобида қайд қилинган ушбу янги рақамларга мурожаат этайлик: колхозда 1970 йили пахтадан гектар бошига 23 центнердан ҳосил кўтарилган. Ўтган 1978 йилда эса, бу рақам 29,5 центнерга етган, яъни ҳосилдорлик шу давр ичида қарийб етти центнерга ошган. Буни — колхоз равнақининг ёркин кўзгуси, дейишади. Уни бунёдга келтириш эса, осон иш эмас.

Ўсар ака Исманов Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тугатиб, аввалига Қирғизистоннинг Ўш областида бухгалтер бўлиб ишлади. 1967 йилда эса Бўка районидаги Мичурин номли колхозга кўчиб келди. Ўшандан буён орадан мана ўн бир йил ўтибдики, у колхозда бош бухгалтер. Сергайрат, моҳир ҳисобдон ва жуда хушмуомала бу йигитдан ҳамма-ҳамма хурсанд. Чунки, қилган ҳамма иши доим пухта, режали. Шогирдлари — бош экономист, КПСС аъзоси Ғулом Ўнгарбоев ва экономист ёрдамчиси Раҳим Назаровлар ундан ана шу фазилатни ўрганиб келишяпти, ўз устозлари кабн ҳалол меҳнатдан элда обрў топишяпти.

Х. НОСИРОВ.

Суратда: моҳир ҳисобдон Ў. Исманов. И. Тўлисбоев фотоси.

ПЕШҚАДАМ ЧЕВАРЛАР

ҲЕЧ бир ўзбек хонадони йўққи, уларда бизнинг фабрикамиз маҳсулотларидан бирон тури бўлмасин. Айниқса, келинчаклар уйларида чеварларимиз тиккан турли хил буюмларни кўплаб учратиш мумкин. Бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ўнинчи беш йилликнинг ўтган зарбдор йилини юксак меҳнат кўрсаткичлари билан якунлади. Бу йил ҳам зиммага оширилган мажбурият олиб меҳнат қиляпмиз. Жумладан, пландагига қўшимча 650 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жами маҳсулотнинг 1 миллион 800 минг сўмлиги Сифат белгиси билан тайёрланади.

Бу цех чеварлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йиллик планни 25 декабргача бажариш, пландагига қўшимча 53,5 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш ва жами маҳсулотнинг 518,8 минг сўмлигини давлат Сифат белгиси билан тикиш мажбуриятини олишган. Шунингдек, 140 килограмм ипак тежалади. Меҳнат унумдорлиги 2,2 процент оширилади. Цех чеварлари тикаётган 12 хил маҳсулот фахрий бешқиррага эга. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Бригадалараро меҳнат беллашувида Рашида Шарафуддинова бошлиқ чеварлар олдинги сафда боришяпти.

Бирлашма комсомоллари доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини меҳнатда муносиб кутиб олишга ҳаракат қилишмоқда. Бунда ВЛКСМ XVIII съездининг делегати Муаззам Юнусова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси чеварларининг фаолияти таҳсинга лойиқдир. Улар 1979 йилнинг биринчи квартали планини СССР Олий Советига сайловлар куни — 4 мартгача бажаришга аҳд қилишди.

М. ШУКУРОВА,
бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварн, ишчи мухбирлар университетининг тингловчиси.

ЭКИШГА ШАЙ

Майдалаб ёғаётган ёмғирга қарамай экскаватор моторининг овози тинмасди. Пётр Иванов ҳар минутдан унумли фойдаланиб ковшунни тўлдириб-тўлдириб турноқ отарди. Кечгача анчагина иш қилди. Чамалаб кўрса, нормасини 1,5 баравардан оширибди. У узоғи билан бир ҳафта ичида бу зовурни қўлдан чиқаражагини кўнглидан ўтказди.

Ҳақиқатан ҳам, Петр Иванов тинмай-тинчимас, сергайрат экскаваторчи. У қишинёзин ҳалол меҳнат қилиб, Чирчиқ дарёси четидаги эски зовурларни тозалашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бир вақтлар 40 центнерчилик ҳаракатини кенг ёйишда ажойиб меҳнат ғалабаларини қўлга киритган хўжаликнинг 10—11-бригадалари шуҳрати пасайиб кетди. Ҳосилдорлик 30—33 центнерга тушиб қолди. Ҳатто 1977 йили планларини бажараолмай давлатдан анча қарздор бўлиб қолишди. Нега бундай аҳвол рўй берди? Бригаданинг ерлари ўзгартирилганмиди? Йўқ. Мутахассисларнинг айтишларича, зовурлар тозаланмасдан сизот сувлари кўпайиб кетган. Бу эса техниканинг ишлашини қийинлаштирган. Ерга солиган ўғитнинг ҳам нафи бўлмай қолган.

— Мен, — дейди Петр Иванов, — ана шу бригадалар ерининг унумдорлигини ошириш учун 4,5 километр масофада бўлган майдонларнинг зовурини қазидим. Эндиликда пахтакорларнинг ишлари анча юришиб кетди. Улар аввалги шон-шуҳратларини тиклаш учун барча агротехника тадбирларидан намунали фойдаланишга ҳаракат қилишяпти.

Колхозда Василий Финкин, Мақсудали Жўраев, Алиёр Абдуҳолиқов каби экскаваторчи, скреперчилар ҳам деҳқонларга яқиндан амалий ёрдам бериб, тупроқ унумдорлигини оширишда баракали меҳнат қилишяпти. Тепаликлар текисланиб, ерга ер қўшиляпти. Янги ариқлар кавланиб, эскилари бузилмоқда.

— Ернинг кафтдек текис бўлишининг ҳосияти кўп, — дейди механизатор Ортиқ Турлибоев, — уруғ барча майдонларга бир текис тушади. Сув равон оқиб нобуд бўлмайди. Ўғит кўчатга баравар тақсимланади. Чопиқ тракторларининг ноши ҳам яхшиланади.

Хўжаликнинг пастки зонасидаги аҳвол кейинги вақтда энг ташвишли бўлиб қолди. Чирчиқ дарёсининг суви кўпайиши билан жар, чакалакзорлар ювилиб кетди. Ҳатто, ғўзаларни ҳам сув ювиб кетадиган бўлди. Колхоз правлениеси сув тошқинига қарши курашиш юзасидан бир қанча чора ва тадбирларни амалга оширди. Бу эса экин майдонларининг камайиб кетмаслигини таъминлади. Ўтган йили бу соҳада 346 минг кубометр ҳажмдаги тупроқ ишлари амалга оширилди. Шағал, тошлари кўриниб қолган ерларга тупроқ сурилди. Дарё четлари ҳарсанг тошлар билан мустаҳкамланди. Бу йил 300 минг кубометрлик тупроқ ишларини бажариш планлаштирилди. Ер эрозиясига қарши курашда техникадан моҳирлик билан фойдаланилмоқда. Район экскаватор станцияси, қишлоқ хўжалик техника таъминоти комитетининг район бўлими ходимлари бу ишда колхозга яқиндан амалий ёрдам беришяпти. Шу туфайли ҳам график ортиғи билан бажарилляпти. Ҳозиргача 35 гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига қўшилди. Шу йилнинг ўзидаёқ камида 100 тонна қўшимча пахта ҳосили олинади.

Ерга-ер қўшиш, тупроқ эрозиясига қарши муттасил курашиш, — деҳқончилик ишларининг самарали бўлишини таъминлаяпти. Ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бораяпти.

Ўтган йили бошқа хўжаликлар каби Чиноз районидаги Киров номли колхозда ҳам анчагина об-ҳаво қийинчиликлари рўй берди. Аммо деҳқонлар қийинчиликлар олдида тиз чўкишмади. Кеча ва кундуз мўл ҳосил етиштириш иштиёқи билан меҳнат қилдилар. Самарали меҳнат зое кетмади. 1120 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил топширилди. Пахтакорлар ўтган йилда эришган ютуқларни мустаҳкамлаб, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» топшириш учун ҳаракат қилишмоқда.

Ҳозир колхознинг қайси участкасига борманг, кўкламги экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари қизғин кетаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳамма далага чиққан. Меҳнат авжида. Бригадалар ўртасидаги ариқ-зовурлар тозалаб қўйилган. Тракторчилар ҳам бўш келишмаяпти. Улар ўзларини бошқарадиган ҳайдов, чопиқ тракторларини ремонтдан чиқариб, дала ишларига шай қилиб қўйишди. Экиш селькаларининг ҳаммаси созланиб комиссия кўригидан ўтказилди. Маҳаллий ўғит жамғариш ишлари ҳам қизғин тус олган. Деҳқонлар ҳар гектар ерга ўтган йилдагига нисбатан кўпроқ ўғит чиқариш учун қурашмоқдалар. Кўп бригадаларда тупроқнинг ҳолатига қараб гектарига 25—30 тоннадан органик ўғит солиш чамалаб қўйилди.

Колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларининг суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш ҳақидаги кўрсатмаларини амалга ошириш учун барча резервларни қидириб топиб, ишга солмоқдалар.

«Ҳар қандай ташаббус, — дейди ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг «Кўриқ» асарида, — аввало ички кучларга, фойдаланилмаётган резервларга таянши лозим. Ташаббусларнинг асосий қиммати ана шунда».

— Биз — дейди колхоз раиси С. Шерматов, — ана шунга қатъий амал қилиб, меҳнатни ташкил қиляпмиз. Барча кучни, техникани дала ишларига сафарбар қилиб, кўклам экишига пухта ҳозирлик кўрмоқдамиз. Экишни қисқа муддатда юқори агротехника талаблари даражасида ўтказамиз.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҚАНОТЛИ ЁРДАМЧИЛАР

Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз деҳқонлари ҳам мўл ҳосилга пухта замин ҳозирламоқдалар.

— Ҳосилдорликни оширишнинг кўп омиллари бор, — дейди колхоз раиси ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати Су Сан Пак. — Булардан бири зараркунандаларга қарши курашишдир. Деҳқон ҳар қанча меҳнат қилмасин, агар ўсимликни ҳимоя қила олмаса меҳнати бебарака бўлади.

Бу колхозда зараркунандаларнинг кушандаси — трихограммалар деҳқонга кўмак бермоқда.

Бу усулнинг афзалликлари нимада?

Даставвал шуни айтиш керакки, заҳарли химикатлар сотиб олиш учун кўп маблағ сарф бўлади. Трихограммалар эса унча кўп ҳаражат талаб қилмайди, ўзи табиий равишда кўпаяди. Кимёвий препаратлар ишлатилганида экиндан ташқари бегона ўтларга, оқава сувларга тушиши турган гап. Агар ўтни моллар еса заҳарланиши мумкин. Бунинг устига атроф-муҳитни ифлослантириш зарарли эканлиги барчага аён.

Биологик усул колхозда беш йилдан буён қўлланилиб келинмоқда. Хўжалик мазкур методни жорий этиш орқали катта иқтисодий самара кўрмоқда. Масалан, колхозда 1974 йилда экинга химиявий ишлов бериш (заҳарли препаратлар сотиб олиш, механизаторларга ҳақ тўлаш каби юмушлар қўшиб ҳисобланганда) учун 100 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланган бўлса, янги усул билан ўсимликлар ҳимоя қилинганида кетган маблағ 6 минг сўмдан ошмади.

Бу методни амалда жорий этиш билан кимлар шуғулланишяпти?

Олий маълумотли мутахассис Эльвира Хан биологик лабораторияга бошчилик қилади. У бизларни ўз иши билан таништирди.

— Бу ерда тозаликка риоя қилиш муҳим шартдир,— дея изоҳ бера бошлади Э. Хан. — Чунки трихограммалар касалланса ишимиз мураккаблашади.

Лабораториядаги асбоб-ускуналар у қадар мураккаб эмас. Буни ҳар қандай хўжаликда тайёрлаш мумкин.

Маълум бўлишича, колхоз мутахассислари Бутуниттифоқ ўсимликларни ҳимоя қилиш институти тажриба майдончаларида бўлишган, олимлар билан маслаҳатлашгач, лабораторияда фаолиятни бошлашган.

Биолабораториядаги иш технологияси билан яқиндан танишдик. Даставвал ҳашаротларнинг уруғи лаборатория шароитида арпага қўшиб қўйилади. Бунда ҳаво ҳарорати 23—25 даража иссиқ, намлиги 70—75 процент атрофида бўлиши керак. Орадан уч кун ўтгач, арпа дони ичига кирган ҳашарот ғумбак очиб чиқади. Бундан кейин арпа дони маҳсус бокс мосламаларига солиниб, трихограмма олинади.

Ана шу трихограммалар асосан зарарли ҳашаротларни еб кун кечиради. Зараркунандалар экинга ҳужум қилган пайтида трихограммаларга қурбон бўлиши деҳқонларимиз учун айни муддаодир.

Тадбиркор деҳқонлар меҳнатига ҳар қанча таҳсин ўқиса арзийди. Бошқа колхозлар ва районлар, ҳатто республика областларидаги мутахассислар эътиборини жалб қилаётган бу усулни эндиликда кенг жорий этиш керак. Бу саволга Коммунистик район ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди бошлиғи Ермек Намибоев шундай деб жавоб берди:

— Агар 1978 йилда бу усул фақат Свердлов номли ва «Политотдел» колхозларида қўлланилган бўлса, беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳамма хўжаликларда жорий этилади. Бошқача қилиб айтганда, трихограммалар қўйиладиган майдонлар 7030 гектарни ташкил этади.

Бунинг учун юқорида айтилган икки колхоз биолабораторияларида урчитилган қанотли ёрдамчилар бошқа хўжаликларга ҳам етказиб берилади. Шу кунларда трихограммаларни урчитиш қизғин олиб борилаяпти.

Ҳа, деҳқон ақл-идроки, олимлар кўмаги туфайли мўл ҳосил учун табиат қонуниятлари ҳам хизмат қилмоқда.

Ш. ЖАББОРОВ,
Э. ТЎЛАГАНОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ХИТОЙ АГРЕССИЯСИ КУЧАЙМОҚДА

ХАНОЙ, 28 февраль. (ТАСС). Хитой агрессорлари Вьетнам шимолий вилоятларидаги бир қанча йўналишларда ҳужум ҳаракатларини кучайтиришга, экспансия кўламларини кенгайтиришга уринмоқдалар. Улар шу мақсадда жангоҳларга янги ҳарбий қўшилмаларини келтириб ташламоқдалар. Вьетнамнинг босиб олинган территорияларини ўзларига қўшиб олишга уринмоқдалар.

Вьетнам информация агентлиги (ВИА) хабар бередики, уруш ҳаракатлари бўлаётган ҳамма районларда ВСРнинг қуролли кучлари агрессорнинг қаттиқ ҳужумларини даф этиб, унинг аскар ва техникасига оғир талафотлар етказмоқдалар. Вьетнамлик жангчилар Кемдионг районида уч кунлик жангларнинг ўзидаёқ Хитойнинг 2200 дан ошиқ солдатини қириб ташладилар. Бир неча танк ва ҳарбий автомашиналар мажақланди.

Хитой агрессорлари уруш ҳаракатлари бўлаётган бошқа районларда ҳам катта-катта талафот бермоқдалар. Лангшон вилоятининг Локбинг уездидаги маҳаллий қуролли кучлар Хитойларга орқадан ҳужум қилиб, душманнинг икки ротасини қириб ташладилар. Лайтяу вилоятидаги Фонтхо уездининг жангчилари ва халқ лашкарлари Хитойнинг 250 солдатини сафдан чиқардилар.

Вьетнам қуролли кучлари Каобанг ва Хоанглиеншон вилоятларида душманга сезиларли зарбалар бермоқдалар. Бу ерда агрессорлар пиёдалар, танклар ва артиллериядан фойдаланиб, Вьетнам территориясини босиб олиш мақсадида катта операциялар ўтказишга уриниб кўрди.

Вьетнамда Хитой авантюрасининг кўламлари, туси ва мақсадлари бутун Жанубий-Шарқий Осиёга хавф солади. Лаос-Хитой чегарасида аҳвол ёмонлашганлиги тасодифан айтилаётганлиги йўқ. Бу ерда Хитой ўз қўшинларини йиғмоқда. Кузатувчилар Хитойнинг агрессив кучлари Лаос Халқ Демократик Республикасига ҳам бостириб кириши мумкинлигини айтмоқдалар. Лаосда бошини кўтарган Хитой агентлари мамлакатда тартибсизлик чиқармоқчи бўлиб зўр бериб уринмоқда.

Хитой агрессорлари Вьетнам диёридаги бебошликни давом эттирмоқдалар. Ҳарбий муваффақиятсизликлардан қутирган босқинчилар аламини тинч аҳолидан олмоқда.

ВИА агентлиги хабар бередики, Хитой ҳарбийлари Лаокай шаҳри яқинида Хонгсон жамоаси территориясини оғир артиллериядан ваҳшийна тўпга тутган. Бунда ҳаддидан ошган милитаристлар район хўжалигига мумкин қадар кўпроқ иқтисодий зарар етказишдан иборат бирдан-бир мақсадни кўзладилар.

Тўпга тутиш натижасида ғишт заводи ер билан яксон қилинди, маҳаллий қишлоқ хўжалик кооперативи уй-жойларининг учдан бири вайрон этилди, ўрта мактаб ёндирилди, болалар боғчаси бинолари яксон этилди. Ҳосил ўрим-йиғими яқинлашаётган шолипоялларда ирригация системалари миномёт ўти билан вайрон қилинди. Деҳқонларнинг кўп ойлик меҳнати самаралари йўққа чиқарилди.

Тўпга тутиш вақтида ўз уйларида бекинган ўнлаб кишилар ҳалок бўлди, биринчи навбатда кексалар, хотин-қизлар ва болалар жафо чекдилар.

ПЕКИН, 28-февраль. (ТАСС). ВСРнинг Хитойдаги муваққат ишлар вакили Чэн Чунг чет эл журналистлари билан қилган суҳбатида айтдики, Хитойнинг Вьетнамга бостириб кириши «шу районда хавфсизлик ва тинчликка зўр хатардир ва олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб бориши мумкин».

«Чекланган уруш» деб аталмиш бу уруш келгусида янада кенг тусдаги урушга айланиши мумкин, деб таъкидлади у. Хитой агрессорлари ўз қўшинларини кучайтиргач, (уларнинг сони ҳозир 25 дивизияга боради деб чамаланмоқда) катта ҳужум бошлашни мўлжалламоқдалар.

Чэн Чунг айтдики, бу курашда Совет Иттифоқи Вьетнамга мадад ва ёрдам кўрсатмоқда ва иккала мамлакат икки томонлама шартнома моддаларини бажармоқдалар.

У ҳозирги урушнинг давом этиши тамомила Хитой рақибларига боғлиқ, деди. Территориямизда бироита ҳам босқинчи қолмагунича урушаверамиз, деди Чэн Чунг.

ВАШИНГТОН, 28 февраль. (ТАСС). Пекин Вьетнамдаги хатти-ҳаракатларининг ҳақиқий характери ҳусусида ҳамма қитъалардаги норозиликлар тўлқинини бостириш ва жаҳон жамоатчилигини алдашга уриниб тобора янги-янги найранг ва ҳийлалар ишлатаётганлиги эътиборни жалб қилади.

Хитойлар, деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси, қўшинларимизни олиб чиқиб кетамиз деб айтаётганликларига қарамай, Вьетнамнинг ичкарисига кириб бормоқдалар, айрим районлардаги жанглар тобора ашаддий тус олмоқда.

Пекиннинг ҳозирги найранглари Хитой агрессорлари ўзларининг жиноий ҳатти-ҳаракатларини «тинчликсеварликни кўз-кўз қилиш» тўғрисидаги мунофиқона гап-сўзлар билан ниқоблашга уринишларидан бошқа нарса эмас. АҚШ, Англия, Югославиядан борган визитчилар ва Европа иқтисодий ҳамжамиятининг вакили ҳозир Пекинда турган бир пайтда Хитойлар ана шундай гап-сўзларни айтаётганликлари тасодифий ҳол эмас. Кўпчилик ҳозирги пайтда юқорида гиларнинг Хитойга қилган сафарига Вьетнамга қарши Хитой агрессиясини билвосита маъқуллаш, деб қарамоқдалар. Хитой ўзининг шу ёлғон гап-сўзлари билан ўз ҳаттиҳаракатларинигина эмас, шу билан бирга Хитойнинг агрессиясига ҳайбаракаллачилик қилишда айбланаётган мамлакатларнинг ҳаракатларини ҳам оқламоқчи шекилли.

Франс Пресс агентлигининг хабарига кўра, Вьетнамнинг Хитойдаги муваққат ишлар вакили Чан Чунг Хитой томонининг музокаралар тўғрисидаги гапларини «афюр оммани алдаш» деб таърифлаган.

Пекиндаги ҳукмрон доиралар Вьетнамга қарши бошланган агрессия учун Хитой халқи олдида ҳам жавобгардирлар. Улар ўзларининг жиноий гегемончилик ва экспансиячилик мақсадларини яширишга уриниб, Хитой халқини алдамоқдалар.

ХАНОЙ, 28 февраль. (ТАСС). Ҳамма сиёсий партияларни, аҳоли турли табақалари ва диний жамоаларининг вакилларини ўз сафларига бирлаштирган мамлакатнинг энг оммавий жамоат ташкилоти —Вьетнам Ватан Фронти (ВВФ) Марказий Комитетининг пленуми бу ерда иш бошлади. Пленум Хитойнинг реакцион ҳукмрон доиралари ВСРга қарши бошлаган агрессиясини даф этиш борасида Вьетнам Ватан фронтининг вазифаларини муҳокама қилмоқда.

Пленумда сиёсий доклад қилган ВВФ Марказий Комитети президиумининг раиси Хуанг Куок Вьет жумладан бундай деди: «янги қаршилик кўрсатиш урушида ғалабани таъминлаш учун мудофаани, жамоат тартиби ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни мудофаа ва халқ эҳтиёжларини қондирадиган қилиб ҳамма чоралар билан ривожлантириш, янги вазиятда социализм моддий-техника базасини яратиш ишини давом эттириш зарур».

Пленум қатнашчилари ВКП Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, ВВФ президиумининг аъзоси Нгуен Ван Линнинг Вьетнам халқ армиясининг вазифалари тўғрисидаги нутқини тингладилар. У Пекин тўдасининг Вьетнамга қарши, Жанубий-Шарқий Осиёда ва бутун дунёда революцион ҳаракатни барбод этиш, тинчликка хавф солишга қаратилган маккорона ниятларини фош қилиб ташлади.

ВЬЕНТЬЯН, 28 февраль. (ТАСС). Лаос халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Бош министри Кейсон Фомвихан бу ерда ВСРнинг Лаосдаги элчиси Нгуен Суанни қабул қилди. Суҳбат чоғида таъкидландики Лаос халқи қардош Вьетнам халқи билан жанговар бирдамлик ва дўстликни мустаҳкамлайди ҳамда унинг мустақиллик, суверенитет ва территориал бутунлигини ҳимоя қилиш учун олиб бораётган одилона курашини қўллаб-қувватлайди.

Хитой томони уруш ҳаракатларини тўхтатиб, Вьетнамдан ўзининг ҳамма қўшинларини олиб чиқиб кетиши керак, деди Кейсон Фомвихан.



ВЬЕТНАМ чегара қўшинлари ва халқ кўнгиллилари Вьетнам Социалистик Республикаси территориясига бостириб кирган Хитой босқинчиларига сезиларли зарбалар бермоқдалар. Суратда: Хитой солдатлари босиб олган қишлоқни озод қилиш учун жанг бораяпти.

ВИА—ТАСС телефотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ГАВАНА. Куба ташқи савдо министри Марсело Фернандес Совет — Куба ўзаро фойдали савдо алоқалари муваффақиятли равишда ривожланаётганлигини таъкидлаб ўтди. У министрликда бўлиб ўтган мажлисда нутқ сўзлаб, 1978 йилнинг ўзидагина республиканинг Совет Иттифоқи билан товар оборотн 27 процент кўпайганлигини айтди. Совет — Куба савдо муносабатларининг кенгайиб бораётганлиги, деди министр, ҳар икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг муттасил мустаҳкамланаётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

● ЛИССАБОН. Эвора, Бежа ва Парталегри шаҳарларида деҳқонларнинг намойишлари бўлиб ўтди. Улар маъмурларнинг ер ислоҳоти натижасида деҳқонлар олган ерларни помешчикларга қайтариб беришни кўзда тутган сиёсатига қарши норозилик билдирдилар. Бу намойишларда 30 мингдан кўпроқ киши қатнашди.

Матбуотнинг хабар беришича, норозилик намойишига жавобан маъмурлар ер ислоҳоти зонасига жандармериянинг янги отрядларини юбордилар.

● МЕХИКО. Буерда Мексика сўл кучлар сайлов олди иттифоқининг миллий конференцияси бўлиб ўтди. Мексика коммунистик партияси, революцион социалистик партия, Мексика халқ партияси ҳамда социалистик бирлик ва ишқўриш ҳаракати шу иттифоқ составига киради. Бу конференция — шу йил июль ойида парламентга бўладиган сайловга тайёргарлик доирасида сўл кучлар иттифоқи ўтказган биринчи оммавий тадбирдир.

(ТАСС).

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливан Марказий ҳукуматининг кризисини бартараф этишга қаратилган ҳаракати Исроил ҳарбийларининг, мамлакат жанубидаги сепаратчилар ҳамда «Ливан фронти» консерваторларининг шиддатли қаршилигига дуч келмоқда. Бу кучларнинг қуролланган қисмлари кеча Ливанда Байрутнинг шарқий қисмида, айниқса Дикван, Синн Ал-Филь ва Бадару районларида Ливанда тинчликни сақловчи араб мамлакатларидаги кучлар билан кенг кўламда тўқнашув уюштирдилар. Тўқнашув вақтида артиллериядан, танклар, миномётлардан кенг фойдаланилди. Қарама-қарши турган томонлар ва тинч аҳоли ўртасида ўлганлар ҳамда яраларлар бор.

Консерваторлар қуролли ҳаракатларини давом эттирган бир вақтда «Ливан фронти» раҳбарлари иғвогарлик руҳида баёнотлар бермоқда. Улар араб мамлакатларидаги кучларнинг шарқий Байрутдан олиб кетилишини яна талаб қилмоқда. Айни бир вақтда консерваторларнинг бошлиғи К. Шамун мамлакатнинг амалда парчаланганлигини кўрсатувчи далил сифатида ўзининг телевизион станциясини очиш ниятида эканлигини айтди.



ЧИЛИНИНГ кўпгина илғор маданият арбоблари ҳарбий фашистлар хунтасининг террори ҳамда қувғинларидан ўз Ватанларини тарк этишга мажбур бўлдилар. Улар эндиликда чет элларда ижодий ишларни давом эттириб, Пиночет ёвуз тўдасининг зўравонлигини фош этмоқдалар, барча антифашист кучларни жипслашга даъват қилмоқдалар. Суратда: машҳур Чили рассоми Эктор Тобар ҳозир ГДРда яшаб ижод қилмоқда. Унинг бу асари хунта «бедарак йўқолганлар» деб эълон қилган минглаб ватанпарварларнинг оналари, рафиқалари ва болаларига бағишланган.

ТАСС фотохроникаси.

АФРИКА БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИ МИНИСТРЛАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

НАЙРОБИ, 28 февраль (ТАСС). Африка Бирлиги Ташкилоти министрлар кенгашининг навбатдаги сессияси Кения пойтахтида ўз ишини давом эттирмоқда.

АБТнинг Африка мамлакатлари ўртасидаги низоларни ҳал этиш комитети, жумладан Уганда билан Танзания ўртасида чегара можароси масаласини кўриб чиқди. АБТ бош секретарининг сиёсий масалалар билан шуғулланувчи ўринбосари Питер Онунинг бу ерда хабар беришича, бу масалани ҳар иккала давлат бошлиқлари билан бирга муҳокама қилиш учун Кампала ва Дорус-Саломга махсус миссиялар юборилди. Комитет чегара можаросини ҳал этиш учун қулай имкониятлар мавжуд эканлигини уқтириб, Уганда билан Танзания ўртасида ўт очиш ва душманчилик ҳаракатларини тўхтатишга эришиш мақсадида ўз воситачилигини давом эттиришга қарор қилди. Комитет конкрет таклифларини Африка Бирлиги Ташкилотининг ҳозирги раисига тақдим қилади.

Сессия ишчирокчилари Озодлик комитетининг докладини кўриб чиқдилар. АБТ министрлар кенгашининг ялпи мажлисларида Африка Бирлиги Ташкилоти аппаратини ташкилий жиҳатдан қайта қуриш билан шуғулланувчи комитетнинг доклади ҳам муҳокама қилина бошланди.

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ ЭПОПЕЯСИ

«УЛУҒ ВАТАН УРУШИ»—ҳужжатли фильмлар Марказий студиясида москвалик киножурналистлар яратган 20 фильмдан иборат ҳужжатли киноэпопея шундай деб аталади. Бу фильм Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти Роман Кармен раҳбарлигида ишланган бўлиб, унда АҚШ кинематографистлари ҳам иштирок этишган. Ана шу тўла метражли 20 серияли тарихий-публицистик фильмларда улкан жанглар, Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари қозонган ғалабаларнинг улуғворлиги кенг миқёсда акс эттирилган. Фильмлар совет фронт кинооператорларининг нодир кадрлари, совет ва чет эл архивларининг илгари номаълум бўлган материаллари асосида бунёдга келган. Суратларда: фильм рекламаси; фильмлардан кадрлар.

ТАСС фотохроникаси.







ВЬЕТНАМ БОЛАЛАРИ УЧУН

Сменадан сўнг Н. Егоров бошлиқ цех ишчи-хизматчилари механика участкасига йиғилишди. Бу ерда «Вьетнам болаларига бегубор осмон!», «Хитой агрессорларига лаънат!» сўзлари ёзилган плакатлар осиғлиқ.

Цехнинг Николай Григорьевич Рижов бошлиқ слесарь-йиғувчилар бригадаси аъзолари март ойида бир кун Вьетнам болалари учун ишлаш ташаббуси билан чиққан эдилар. Митинг ана шунга бағишланди.

Митингни цех партия ташкилотининг секретари Виталий Фёдорович Власов кириш сўзи билан очди.

Слесарь-йиғувчилар бригадаси бошлиғи Н. Рижовга сўз берилди:

— Хитой босқинчиларининг социалистик Вьетнам тупроғига бостириб кириши бутун инсониятни ғазаблантирмоқда. Прогрессив жаҳон халқлари вьетнамликларга ҳамдард эканликларини билдириб, ҳақли равишда урушнинг тўхтатилишини талаб қилмоқдалар. Агрессорларнинг босиб олинган территорияда қилаётган ёвузликларини кечириб бўлмайди. Айниқса, бегуноҳ ёш бола ва гўдакларни ваҳшиёна отишаётгани асло чидаб бўлмас ҳолдир.

Бригадамиз аъзолари Хитой ёвузларининг авантюристик ҳаракатларини кескин қораламоқдалар. Вьетнамлик ватанпарварлар билан бирга эканликларини билдиришти.

Бригадамизда беш киши ишлайди. Биз эртага шанбалик ўтказишга ва ундан тушган маблағни вьетнамлик болаларга юборишга аҳд қилдик. Ўйлайманки, бу тақлифимизни цехимиз ишчи-хизматчилари ҳам қўллаб-қувватлайдилар.

Комсомол-ёшлар участкаси бошлиғи Юрий Карпухин ўз сўзида шундай деди:

— Бир неча йиллар давомида ёвуз агрессорларга қарши қаҳрамонларча курашган Вьетнам халқи эндигина бахтли ва осойишта ҳаёт кечира бошлаган эди. Хитой агрессорлари уларнинг мамлакатни иқтисодий ва маданий ривожлантириш йўлини кўра олмадилар. Ҳеч шубҳа йўққи, Вьетнам халқи, бу курашда ғалаба қилади.

Ўртоқ Н. Рижов бошлиқ бригада аъзолари ташаббусини участкамиз комсомол-ёшлари қизғин қўллаб-қувватлайдилар. Биз ҳам улар билан бирга якдилликда шанбаликка чиқамиз.

Шундан сўнг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Риза Решетов, слесарь-йиғувчи Геннадий Стариков, бригада бошлиғи Валерий Горинов ўртоқлар сўзга чиқиб, бу қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлаяжакларини билдирдилар.

Механика цехи бошлиғи Н. Егоров ўз сўзида цех ишчи-хизматчилари якдиллик билан шанбаликка чиқишларини билдирди.

Механика цехининг бу ватанпарварлик ташаббуси Тўйтепа металлконструкциялари заводи барча цехларида қўллаб-қувватланди. Корхонада 3 мартда шанбалик ўтказишга ва бажарилган ишдан тушган маблағни вьетнамлик болаларга жўнатишга қарор қилинди.

Ж. ҚУРБОНБЕКОВ.

Реклама ва эълонлар

Тошкент давлат циркида

7 МАРТДАН БОШЛАБ

Совет цирки усталарининг янги программаси

ҲИНДИСТОН СЕҲРГАРЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ФАХРИЙ АЪЗОСИ

АНАТОЛИЙ ФУРМАНОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

ИЛЛЮЗИОН РЕВЮНИНГ

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

ТУРКМАНИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ

Дурди АННАЕВ РАҲБАРЛИГИДАГИ

«ТУРКМАНИСТОН ЙИГИТЛАРИ»

РСФСРда хизмат кўрсатган артист, таниқли масхарабоз КОНСТАНТИН БЕРМАН РАҲБАРЛИГИДАГИ МАСХАРАБОЗЛАР ГРУППАСИ ДОИМО МАНЕЖДА.

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12, 16 ва 19.30 да бошланади.


КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



Ўзбекистон ССР Давлат Санъат музейини ҳар куни юзлаб ва минглаб томошабинлар келиб кўради. Унинг коллекцияларида ватанимиз ва чет эл санъат асарлари тўпланган.

Музей залларида тасвирий санъат, графика, ҳайкалтарошлик, халқ амалий ва декоратив санъати асарларига кенг ўрин берилган.

МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯСИ ҚУЙИДАГИ БЎЛИМЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН:

Ўрта Осиё халқ амалий ва декоратив санъати.
Ўзбекистон тасвирий санъати.
Иттифоқдош республикалар санъати,
XV—XX аср бошлари рус санъати.
XIV—XIX асрлар Ғарбий Европа санъати.
Хорижий шарқ мамлакатлари санъати.

Доимий экспозициядан ташқари музейда вақти-вақти билан тематик кўргазмалар уюштириб турилади.

Санъат пропагандаси мақсадларида музейда тематик экскурсиялар ўтказилади, лекциялар ўқилади.

Корхоналар, ташкилотлар, олий ўқув юртлари ва техникумлар, мактаблар ва техника билим юртларининг олдиндан бериб қўйилган заявкасига мувофиқ кўчма лекциялар уюштирилади. Бу лекцияларда диапозитивлар намойиш қилинади.

Музейда якшанба кунлари дам олиш куни лекторийси ишлайди, санъатга оид фильм намойиш этилади.

Лекция ва экскурсиялар учун заявкалар олдиндан музей илмий-оқартув бўлимига берилади.

Экскурсиялар уюштириш ва лекциялар ўқиш юзасидан маълумотларни илмий-оқартув бўлимидан ва 32-73-45 телефон орқали олиш мумкин.

Музей ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача очиқ. Душанба куни соат 15.00 гача ишлайди. Касса музей ишни тугатишдан бир соат олдин ёпилади. Дам олиш куни—сешанба.

Музей адреси: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Пролетар кўчаси, 16-уй (1, 2, 3, 4, 5, 12, 13, 14, 22, 25, 28-трамвайлар, 1, 3, 8, 9, 10, 11, 13, 15, 16-троллейбуслар, 2, 25, 58 «э», 60 «э»-автобуслар билан бориш мумкин).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

СОВЕТ кишиларининг маънавий жиҳатдан гўзал бўлиб етишишларида коммунистик аҳлоқ тарбияси муҳим роль ўйнайди. Оққўрғон районида яқинда бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ана шу масалага бағишланди. Конференцияни район партия комитетининг секретари С. Ж. Йўлдошева кириш сўзи билан очди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти фалсафа кафедрасининг мудири фалсафа фанлари доктори, профессор А. С. Агоранян «Жамоатчилик — аҳлоқий тарбияни амалга оширишда қудратли куч» деган темада доклад қилди. Конференция қатнашчилари Жданов номли 3-ўрта мактаб партия ташкилотининг секретари М. Ойдинов, «Оққўрғон» совхози комсомол комитети секретарининг ёрдамчиси С. Амирхонова, 46-ўрта мактаб директори А. Ҳамидов ва «Коммунизм» колхози партия комитетининг секретари А. Илёсов ўртоқларнинг «Марксча-ленинча дунёқараш ва аҳлоқий тарбия», «Коммунистик аҳлоқни шакллантиришда меҳнат коллективининг роли», «Ёшларни аҳлоқий тарбиялашда мактаб педагогика коллективининг роли», «Меҳнаткашларни аҳлоқий тарбиялашда партия ташкилотининг ишлари» мавзуидаги лекцияларини тингладилар.

Ғ. ТОЖИБОЕВ.

САЙЛОВГА ШАЙМИЗ

АЛИМКЕНТ посёлкасидаги энг йирик ҳисобланган 59/59 сайлов участкасида 1835 киши халқимизнинг муносиб фарзандлари учун овоз беради. Участка агитпунктида сайловолди тадбирлари муваффақиятли ниҳоясига етказилди. Сайловлар ҳақидаги қонун ва низом, брошюралар, газета, журналлар мунтазам келтириб турилди. Н. Қодирова, Э. Нурматов, Қ. Тошболтаев, А. Сидиқов сингари 33 нафар агитаторларимиз сайловчилар хонадонларида бўлиб, улар билан қизиқарли суҳбатлар ташкил этдилар.

Бу йил участкамиз бўйича 29 йигит-қиз сайловларда биринчи марта қатнашадилар. Улар билан алоҳида суҳбатлар олиб борилди. Ёш сайловчиларга округимиздан кўрсатилган номзодлар ҳақида ҳикоя қилиб берилди. Сайлов участкамиз катта байрамга шай, 4 март куни халқимизнинг муносиб вакиллари учун уюшқоқлик билан овоз берамиз.

М. ОИДИНОВ,
участка сайлов комиссиясининг раиси.
Оққўрғон райони.

Ҳар бир корхонанинг ўз илғорлари бор. Улар меҳнатсеварликлари ва сергайратликлари билан кўпчиликка ўрнак бўлишади, ташаббускорлик кўрсатиб, ўнлаб ҳамкасбларини ортларидан эргаштирадилар. Натижада пешқадамлар сафи кенгайиб, коллектив муваффақиятлари янада мустаҳкамланиб бораверади.

Бизнинг коллективимизда ҳам ташкилотчилиги билан ишчи-хизматчиларимизга намуна бўлаётган кишилар жуда кўп. Бу ҳақда гап кетганда кўп йиллардан буён шу ерда ишлаб, катта тажриба тўпланган М. Родштейн, Г. Гимранов сингари бичиқчилар ва тикувчи Ҳ. Абдуқосимоваларнинг номларини биринчилар қатори тилга оламиз. Шаҳар советининг депутати Назира Мирвалиева, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Раъно Бобоевалар ҳам корхонамизнинг ҳақиқий жонкуярларидан саналишади. Кўпгина ёшларимизнинг мураббийлари ҳисобланадиган ана шу ишчи-хизматчиларимиз ишлаб чиқариш унумдорлиги, маҳсулот сифатини оширишда ҳамма вақт актив фаолият кўрсатаётирлар.

Бундан 10 йиллар муқаддам шаҳримизда маиший хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек эмас эди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу соҳага Рангли фотография ателъесини ишга туширдик. Халқаро Болалар йили муносабати билан кичик размердаги пайпоқлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган цехимиздан ҳар ой 3 минг сўмлик

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

тинимсиз эътибор бераётганлиги туфайли хизмат сифати аста-секин яхшиланиб, катта ўзгаришлар содир бўлди. Ҳозирги кунда янгийўлликларга фақатгина бизнинг комбинатимиз ишчи-хизматчилари 60 хилга яқин турда хизмат кўрсатишяпти. Кейинги йилларда мебелларни ремонт қилиш ва ёдгорлик тошларини ишлаб чиқариш ҳамда матраслар тикиш ўзлаштирилди. Аҳолидан ювиш ва қайтадан тикиш учун кийим-кечаклар қабул қилинмоқда. Маҳсулотлар ассортиментини буюртмачилар таклифи асосида ташкил этиш, кишилар дидига мос, ҳушбичим кийимлар тикиш ва энг муҳими ўзаро социалистик мусобақанинг авж олдираётганлиги эвазига 170 кишилик бу коллектив аъзолари ҳамиша ўз план-топшириқларини ортиғи билан адо этиб келяптилар.

Илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кўплаб асбоб-ускуналар, жумладан тикувчилик машиналарини янгилари билан алмаштириб туриш ютуқларимизнинг яна бир асосий омилидир. Масалан, ўтган йили 55 та янги тикув машиналари ўрнатилди. Бир қанча цехларимиз кенгайтирилиб, қайтадан реконструкция қилинди. Кийимларни химиявий усулда тозалаш цехи намунали жиҳозланди. Булар 1978 йилда пландаги 1 миллион 590 минг сўм ўрнига 1 миллион 610 минг сўмлик хизмат кўрсатишимизга имкон берди.

Корхонамиз коллективи зиммасидаги план-топшириқларни ортиғи билан бажариш, ҳамшаҳарларимизга кўрсатилаётган хизмат маданиятини янада юксалтириш учун тинимсиз курашмоқда. Ана шу интилиш туфайли ўтган йили Ўзбекистон касаба союзлари советининг фахрий ёрлиғи билан мукофотландик. Ҳозиргача комбинатимизнинг меҳнат фаолияти давомида қўлга киритилган ута ана шундай фахрий ёрлиқлар ва тўртта юқори ташкилотларнинг дипломлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу мукофотларда жумладан ишлаб чиқаришимизнинг пешқадамлари — корхона социалистик мусобақаси ғолибларининг ҳиссаси айниқса каттадир.

Т. МЎМИНОВ,
Янгийўл шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори.

БИЛАСИЗМИ?

МАТЕМАТИКА ОЛАМИДА

ЎНЛИ касрларни биринчи бўлиб Европада инженер Симон Стевин (1548—1620) ишлатган. Лекин Муҳаммад Тарағай Улуғбек мактабининг вакили Жамшид Ал-Қоши дунёда биринчи бўлиб ўнли касрларни математикада ва астрономияда ишлатган. У мураккаб арифметик ва алгебраик масалаларни ечиш билан ҳам шуғулланган олимдир.

* * *

БИРИНЧИ марта 1489 йилда «+» плюс ва «—» минус ишораларини немис математиги Ян Видман ишлатган.

* * *

1525 йилда илдиз белгисини Рудольф киритган.

1550 йилда италъян математиги Бомбели ўрта қавсни, 1556 йилда Италия математиги Никола Тарталья оддий (кичик) қавсни киритган ва ишлатган.

* * *

1557 йилда инглиз математиги Рекорд «=» тенглик ишорасини қўллади.

* * *

НЕМИС математиги Г. В. Лейбниц (1645—1716) бўлув белгисини ва 1698 йилда эса кўпайтирув белгисини киритган.

И. РИСҚУЛОВ,
Ғалаба районидаги Н. К. Крупская номли 47-ўрта мактаб математика ўқитувчиси.

Спорт

КУБОК ЎЙИНЛАРИ

Ўтган куни СССР кубоги учун дастлабки тур ўйинлари бўлиб ўтди. Бу йил биллур соврин мусобақалари аввалги йилдагига қараганда бир мунча бошқачароқ тартибда ўтказилмоқда. Командалар 8 группага бўлинишган.

«Пахтакор» футболчилари Душанба шаҳрида ўтказилаётган учинчи зонада иштирок этишмоқда. Ҳамшаҳарларимиз биринчи кун Фрунзенинг «Олға» командаси билан учрашиб, 1:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Ягона тўпни В. Макаров киритди. Шу группадаги қолган ўйинлар натижалари билан танишинг. «Шахтёр» — «Трактор» 2:1, «Днепр» — «Помир» 2:3.

Бошқа ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди.

1-зона. «Динамо» (Тб) — «Динамо» (Л) — 2:1, «Заря» — «Уралмаш» 0:3, СКА (Р) — «Торпедо» (К) —1:3.

2-зона. «Динамо» (К) — «Искра» — 1:0, «Зенит» — «Спартак» (Ор) — 1:0, «Динамо» (Мн) — «Нистру» — 3:0.

4-зона. «Қайрат» — «Металлист» — 0:2, «Шинник» —«Колхозчи» 2:0.

5-зона. «Спартак» (М) — «Машук» — 2:0, «Нефтчи» — «Звезда»— 2:1, «Терек» —СКА (Од) — 1:0.

6-зона. ЦСКА — «Гурия» — 2:0, «Локомотив» — «Спартак» (Н) — 4:0, «Кубань» — «Металлург» — 2:0.

7-зона. «Арарат» — «Колос» — 2:0, «Спартак» И-Ф — «Черноморец» — 0:1, «Жальгирис» — «Карпат» — 0:2.

8-зона. «Торпедо» (М) — «Шахтёр» (Кр) — 2:0, «Крилья Советов» — «Таврия» — 2:1, «Факел» — «Кузбасс» — 1:2.

ОЛТИЛИКНИ КЎЗЛАБ

Сув полоси бўйича мамлакат чемпионати олий лигасида қатнашаётган Тошкентнинг «Меҳнат» ватерполчилари финал олтиликка киришга ҳаракат қилишмоқда. Ҳамшаҳарларимиз чемпионатнинг биринчи давраси-да жуда бўш ўйнаб, бор-йўғи 4 очко тўплашган бўлсада, ўз майдонларида ўтказиладиган иккинчи давра ўйинларига катта умид боғлашган эди. Шуни айтиш керакки, спортчиларимиз ана шу ниятларини рўёбга чиқариш арафасида турибдилар. Улар шу кунгача бешта учрашув ўтказиб, тўртта-сида ғалабага эришдилар ва очколарини 12 тага етказдилар. «Меҳнат» ўтган куни турнир жадвалидаги ён қўшниси Олмаотанинг «Динамо» командаси билан учрашиб, 7:6 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритди. Чемпионатда Москва Давлат университети ватерполчилари ягона пешқадамлик қилишмоқда. Пойтахтнинг «Динамо» ва Ҳарбий Денгиз Флоти Марказий спорт клуби ватерполчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб турибдилар.

Суратда: Тошкентда ўтаётган IX халқаро футбол турнири қатнашчилари — СССРнинг биринчи ва Финляндия командалари ўртасидаги учрашув пайти.

Е. Ботиров фотоси.



БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти бугун ўтказилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 10.00 — Аср бошида. Бадиий фильм. 11.25 — Монументал пропаганданинг ленинча плани. 11.55 — СССР халқ артисти О. Бардина куйлайди. 12.05—15.05 — Янгиликлар. 15.25 — Олам узра байроқлар. 16.05 — С. Рахманинов. 2-симфония. 17.05 — Р. Рождественский. Икки юз ўн қадам. Поэма. 18.00 —СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 18.30 — Шахмат мактаби. 19.00 — Москва ва москваликлар. 19.30 — Симфоник концерт. 19.55 — Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви. Концерт. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 — Кўрсатувлар программаси.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — До-ре-мифа-соль. 12.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Светофор. 14.00 — Футбол бўйича IX Халқаро ёшлар турнири. ЎзССР—СССР-II. 18.00 — Боғдаги ҳодиса, мультфильм. 18.15 — Фан программаси. 18.40 — Ахборот. 18.55 — Ёшлигим менинг. 19.35 — Ахборот. 19.55 — Москва. Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети депутатлигига комзод ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви. Концерт. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар хори ижро этади. Фильм-концерт. 20.25 — Янгиликлар. 21.45 — Касб танлангандан сўнг. 22.00 — Осмондан тушган беш киши. Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/III да **Жизель**, 3/III да **Маърифат қурбонлари**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/III да **Шошма, қуёш**, 3/III да **Тирик мурда**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/III да **Тошкентнинг нозанин маликаси**, 3/III да **Йиллар ўтиб**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Тўрт КУЕВ» эстрада-цирк лўлилар ревюсининг хайрлашув гастроллари (19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН кўчаси, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия гурмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01824. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2344.